

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2019 йил июль ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани судининг очик сайёр суд мажлиси, Сирдарё тумани, “Исломобод” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб,

Раислик қилувчи судья: С.Сарибаев,
судья

1962 йил 27 июнь куни Сирдарё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта, 2-гурух ногирони, муқаддам:

1. жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судининг 2013 йил 3 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59-моддасига асосан, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб ЖКнинг 72-моддасига асосан 3 йил синов муддати белгиланган, 2013 йил 12 декабрдаги амниятга тўғрисида Қарорга асосан жазодан озод қилинган.

2. жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2014 йил 4 июлдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” банди билан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдоридан яъни 4.805.250 сўм жарима жазоси тайинланган, жаримани тўлиқ тўлаган, Сирдарё тумани, “Исломобод” маҳалласи, Дархон кўчаси, 34-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” қўлланилган

-сонли жиноят ишини кўрди.

Суд, судланувчи ва иш бўйича тарафларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш материалларини атрофлича тафтиш қилиб, тарафлар музокарасини ва судланувчининг охириги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи [] воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан []

қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш жиноятини содир қилган.

Жумладан, 2019 йил 8 май куни Сирдарё туман ИИО ФМБ ходимлари томонидан, Сирдарё туман ҳудудида ўтказилган “Қорадори-2019” тадбири давомида, Сирдарё тумани, Оқйўл МФЙ, Сайқал кўчаси 48-уйда яшовчи Р.Шадмановнинг яшаш хонадони ва қўшимча хоналари кўздан кечирилганда, [] (беш) туп,

узунлиги 50-60 см бўлган “Кўкнор” гиёвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимлик парваришланиб келинаётганлиги аниқланиб, далилий ашё тариқасида баённомага расмийлаштириб олинган.

Судга оид суд

ва текшириш учун тақдим этилган 5 (беш) туп ўсимлиги ўзининг таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган алколоидлар-морфин, кодеин ва тебаин мавжуд бўлиб “опийли кўкнори” ўсимлигига киришини ва ушбу ўсимликдан “Кўкнори сомони” ҳамда “Опий” гиёхвандлик воситалари олинishi мумкинлиги аниқланган.

Сирдарё туман қишлоқ ва сув хўжалиги хосилоти О.Атабаевнинг хулосасига кўра, Р.Шадмановнинг хонадони томорқасида парвариш қилиб келинаётган 5 (беш) туп ўсимлик кўкнори ўсимлиги эканлигини, унга агротехник ишлов берилганлиги, уруғ сепиш йўли билан экилганлиги ва сўғорилиб

кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Р.Шадманов айбига тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 1994 йилдан буён 2-гуруҳ ногирони бўлиб ҳисобланишини, у юқорида кўрсатилган манзилда оила аъзолари, яъни турмуш ўртоғи Шадманова Давлат, ўғли Шадманов Шербек ва унинг турмуш ўртоғи Шадманова Шахноза ҳамда уларни вояга етмаган икки нафар фарзандллари билан бирга яшаб келишларини, бундан ташқари, уйиларга қизи

турмушга чиқиб кетганлигини, 2019 йилнинг 8 май куни у ўғли билан маҳалладаги пода навбат бўлгани учун далага молларни боқгани чиқиб кетганлигини, ушбу куни унга уйдагилари телефон қилиб, уйиларга ИИБ ходимлари келишганлигини айтганлигини, уйга қайтиб келдганлигини ва уйиларига келган Сирдарё тумани ИИБ ходимлари унга ўзларини таништиришиб, Сирдарё тумани ҳудудида “Қорадори 2019” тадбири ўтказилаётганлигини, ушбу тадбир давомида хонадонларни кўздан кечириб чиқишаётганлигини, унинг хонадонини ҳам кўздан кечириб чиқишликлари лозимлигини айтишиб, рухсати билан уйи ва унинг ёрдамчи хўжаликларни кўздан кечиришганлигини, кўзданг кечириш давомида, уйининг томорқасидаги ҳожатхона девори ёнида жами 24 туп

ушбу ўсимликларнинг 40-45 см.ли 5 тупига ишлов ташқаридан ишлов берилиб, парвашиланганлигини, қолган ўтлар орасидаги 5-10 см.даги ўсимларга ишлов берилмаганлигини, ёвойи тарзида ўсиб турганлигини билдирганлигини, ИИБ ходимлари ушбу аниқланган 24

иб чиққанлигини, уларни шамоллашга даъво бўлади деб, девор олдидан аниқланган 5 тупини парваришлаб келаётганлигини, қолган ўтлар орасидаги майдалирига қарамаганлигини айтганлигини, ИИБ ходимлари 24 туп ўсимликларни икки нафар холислар иштирокида юлиб олиб, 5 тупини оқ рангли қоғозга солишиб, елимлашди

и, 2019 йилнинг 8 май куни яшаш хонадонидан аниқланган 24 туп гиёҳвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимликларни “Опийли кўкнор” гиёҳвандлик ўсимлик турига киришлигини билишлигини, уни хал тилида “кўкнори” деб аташларини, ушбу 24 туп “Опийли кўкнор” гиёҳвандлик ўсимлигини парваришлаётганлигини ундан бошқа ҳеч ким билмаганлигини, у бу ҳақида оила аъзоларига ҳам айтмаганлигини, 2019 йилнинг 8 май куни фуқаро яшаш хонадони ва ёрдамчи хўжаликларини кўздан кечиришда ИИО

ишидан пушаймонлигини, бошқа бундай ҳолат такрорланмаслигини билдириб, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гарчанд, суд мажлисида судланувчи Р.Шадманов ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб,

а текширилган қўйидаги далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз тасдиғини топади:

Жумладан, суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган С.Хусанов қўйидагиларни баён қилди, ҳақиқатдан ҳам у 2019 йил 8 май куни ўзини ишлари билан Сирдарё шаҳрига чиққанлигини Сирдарё тумани ИИБ ходимлари унга бир иш юзасидан ҳолис сифатида иштирок этиб беришини илтимос қилишганлигини, унга кейинчалик таниш бўлиб қолган М.Хайдаровни ҳам холис сифатида иштирок этиб беришини сўраганлигини, у ва ёнидаги М.Хайдаровлар розилик бирдирганилардан кейин ИИБ ходимлари уларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 74-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва

бурятларини тушинтириб бўлганидан кейин улар билан биргаликда Сирдарё тумани, Оқйўл маҳалласи, Сайқал кўчаси, 48-уйга боришганлигини, ушбу уйда яшовчиларни чақирганиларида уй эгаси кейинчалик билса Р.Шадманов ташқарига чиққанлигини, шунда ИИБ ходимлари ўзларини таништиришиб уй эгаси Р.Шадмановга “Қорадори

2019” тадбири ўтказилаётганлигин шунинг учун уйини ва кўшимча хўжаликларини кўздан кечириб чиқиши лозимлигини айтишганида Р.Шадманов қаршилик қилмасдан уларни ичкарига киритишганлигини, ИИБ ходимлари уларни иштирокида Р.Шадмановни ҳонадони томорқасини кўздан кечиришни бошлаганлигини, том орқасини хожатхона ён тамонида яшил рангли ўзидан ўткир хид тарқатувчи кўкнори ўсимлигига ўхшаш ўсимлик борлиги аниқланганлигини, ушбу кўкнори ўсимлигига ўхшаш ўсимлик жами 24 дона эканлигини кўрганлигини, ИИБ ходимлари тамонидан аниқланган кўкнори ўсимлигига ўхшаш ўсимликга ишлов берилганлиги ва парвариш қилинганлигини аниқлаш учун улар билан бирга келган Сирдарё тумани, Қишлоқ хўжалиги мутахасиси ўзини О.Атабаев деб таништирган фуқаролик кийимида бўлган бир одам ушбу кўкнори ўсимлигига ўхшаш ўсимликларни кўздан кечириб чиқиб ушбу кўкнори ўсимлигига ўхшаш ўсимлик парвариш қилинганлигини ва унга сув қўйилиб техник ишлов берилганлигини маълум қилганлигини, ИИБ ходимлари ҳонадон эгаси Р.Шадмановдан ушбу кўкнори ўсимлигига ўхшаш 24 туп ўсимликни ким эканлигини ва унга ким техник ишлов берганлигини сўрашганида Р.Шадманов ушбу кўкнори ўсимлигига ўхшаш ўсимликни 2019 йилнинг бошларида томорқасига турли хилдаги сабзовотлар эканлигини, сабзоводлар орасидан ўсиб чиққанлигини ушбу ўсимлик кўкнори ўсимлиги эканлигини билганлигини ва уни дори сифатида ўзи фойдаланиши учун шу кунга қадар парваришлаб, сув бериб унга техник ишлов бериб келганлигини маълум қилганлигини, ИИБ Ходимлари уларни иштирокида ушбу кўкнори ўсимлигини юлиб олишди жами 24 тупдан 19 тупини шу ерни ўзида ёқиш йўли билан йўқ қилишганлигини, қолган 5 туп кўкнорига ўхшаш ўсимликни [REDACTED]

[REDACTED] да сўроқ қилинган Ш.Шадманов куйидагиларни баён қилди, ҳақиқатдан ҳам 2019 йилнинг 8 май куни Сирдарё тумани ИИБ ходимлари уйига келишиб, ўзларини таништиришиб, Сирдарё тумани ҳудудида “Қорадори 2019” тадбири ўтказилаётганлигини, ушбу тадбир давомида ҳонадонларни кўздан кечириб чиқишаётганлигини, уларнинг ҳонадонини ҳам кўздан кечириб чиқишликлари лозимлигини айтишиб, уйдагиларни рухсати билан уйи ва унинг ёрдамчи хўжаликларни кўздан кечиришиб, томорқадаги хожатхона девори ёнида жами 24 туп яшил рангли, ўзидан ўткир хид тарқатувчи “кўкнор” номли гёйхандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимлик мавжудлигини аниқлашиб, 24 туп [REDACTED]

[REDACTED] кўрсатувидан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатувларива дастлабки терговда берган ҳамда суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳларнинг кўрсатувларидан ташқари куйидаги далиллар, жумладан: воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в 4-10 б), ҚСХБ хулосаси (и.в. 11 б), 10.05.2019 йилги

343-сонли экспертиза хулосаси (и.в. 19-20 б), нарсани далилий ашё деб эътироф этиш ва ДХХ Сирдарё вилоят бошқармасига топшириш ҳақида қарор (и.в. 21 б), 2019 йил 31 май кунги наркология диспансерининг 70-сонлидалолатномаси (и.в.23 б) ҳамда тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ва жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топади.

Суд, судланувчи Р.Шадмановнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисми “а” банди билан, тўғри квалификация қилинган. Чунки у такроран тақиқланган экинларни экиш ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари бўлган наша экинларни қонунга хилоф равишда экиш ва етиштириш жиноятини содир қилган.

Суд, судланувчи Р.Шадмановнинг қилмишидан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қарамоғида 3 нафар фарзандлари борлигини, турмуш ўртоғи 2-гурух ногронлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноят содир этган шахсни муқаддам судланганни жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этади.

Суд, судланувчи Р.Шадмановга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг судлар [REDACTED]

катъий амал қилиш лозимлиги тўғрисидаги раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, судланувчининг қилмишидан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, илгари шу турдаги жиноятни содир этганлиги бўлса-да бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан яна қасддан ушбу жиноятни содир этганлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, Сирдарё вилоят наркология диспансерининг 2019 йил 31 майдаги 70- [REDACTED]

[REDACTED] йин қонунда белгиланган тартибда йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 497¹-497⁴-моддаларини қўллаб, суд ҳукм қилади,

Ҳ У К М:

[REDACTED]

Судланувчи Шадманов Рахман Казаковичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси ва унга сутканинг кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқиши чеклансин.

Судланувчи Р.Шадмановнинг зиммасига, озодликни чеклаш жазосини ўташ давомида қуйдаги қўшимча тариқасида (чеклашлар) юклатилсин.

- уни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яқин қариндошларидан ташқари чет элда бўлган бошқа фуқаролар билан сўзлашувлар олиб

_____ яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Сирдарё вилояти худудидан ташқарига чиқмаслик;

Судланувчи Р.Шадмановга Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддаси талаби, яъни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Судланувчи Р.Шадмановга қўлланилган тақиқлар (чекловлар)га риоя этиши ва унинг ҳулқ-атвори устидан назорат ўрнатиш ва ижросини

_____ мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Судланувчи Р.Шадмановга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Далилий ашё тариқасида олинган 5 (беш) туп “кўкнори” ўсимлиги ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг қонунда белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

_____рози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жинойт ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жинойт ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья:
“ажрим нусхаси аслига тўғри”

(имзо)

С.Сарибаев

ХУСУСИЙ АЖРИМ

2019 йил июль ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани судининг очик сайёр суд мажлиси, Сирдарё тумани, “Исломобод” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб,

Раислик қилувчи судья: С.Сарибаев,

судья ёрдамчиси К.Абдурахмановнинг котиблигида, тарафлардан Сирдарё туман прокурори ёрдамчиси А.Турдбаевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланаётган судланувчи:

Шадманов Раҳман Қазақович (Shadmanov Rahman Kazakovich) - 1962 йил 27 июнь куни Сирдарё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта, 2-гурӯх ногирони, муқаддам:

1. жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судининг 2013 йил 3 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59-моддасига асосан, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб ЖКнинг 72-моддасига асосан 3 йил синов муддати белгиланган, 2013 йил 12 декабрдаги амниятга тўғрисидаг Қарорга асосан жазодан озод қилинган.

2. жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2014 йил 4 июлдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” банди билан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдоридан яъни 4.805.250 сўм жарима жазоси тайинланган, жаримани тўлиқ тўлаган, Сирдарё тумани, “Исломобод” маҳалласи, Дархон кўчаси, 34-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” кўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 19 июнь куни нисбатан 1-1208-1902/81-сонли жиноят ишини кўрди.

Суд, судланувчи ва иш бўйича тарафларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш материалларини атрофлича тафтиш қилиб, тарафлар музокарасини ва судланувчининг охириги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи Шадманов Раҳман Қазақовичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Судланувчи Шадманов Раҳман Қазақович илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш жиноятини содир қилган.

Жумладан, 2019 йил 8 май куни Сирдарё туман ИИО ФМБ ходимлари томонидан, Сирдарё туман ҳудудида ўтказилган “Қорадори-2019” тадбири

давомида, Сирдарё тумани, Оқйўл МФЙ, Сайқал кўчаси 48-уйда яшовчи Р.Шадмановнинг яшаш хонадони ва кўшимча хоналари кўздан кечирилганда, томорқасидаги ҳожатхона девори ёнидан 5 (беш) туп, узунлиги 50-60 см бўлган “Кўкнор” гиёвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимлик парваришланиб келинаётганлиги аниқланиб, далилий ашё тариқасида баённомага расмийлаштириб олинган.

Судга оид суд кимёвий экспертизасининг 343-сонли 2019 йил 10 май кунги хулосасига кўра, Р.Шадмановнинг уйдан олинган ва текшириш учун тақдим этилган 5 (беш) туп ўсимлиги ўзининг таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган алколоидлар-морфин, кодеин ва тебаин мавжуд бўлиб “опийли кўкнори” ўсимлигига киришини ва ушбу ўсимликдан “Кўкнори сомони” ҳамда “Опий” гиёҳвандлик воситалари олинishi мумкинлиги аниқланган.

Сирдарё туман қишлоқ ва сув хўжалиги хосилоти О.Атабаевнинг хулосасига кўра, Р.Шадмановнинг хонадони томорқасида парвариш қилиб келинаётган 5 (беш) туп ўсимлик кўкнори ўсимлиги эканлигини, унга агротехник ишлов берилганлиги, уруғ сепиш йўли билан экилганлиги ва сўғорилиб келинганлиги кўрсатилган.

Шундай қилиб, судланувчи Р.Шадманов ўзининг жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Суд томонидан судланувчига қилмишига яраша қонуний жазо тайинланди.

Суд ушбу жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиб, Сирдарё тумани, “Исломобод” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Р.Шадманов томонидан юқорида кўрсатилган жиноятни содир этилишига, у яшайдиган МФЙда маҳалла фуқаролар йиғини оксоколлар ва уларнинг ёрдамчилари томонидан ўз ҳудудида ҳуқуқ тарғибот ва ташвиқот ишлари лозим даражада олиб борилмаётганлиги, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятни юксалтириш юзасидан тегишли маърифий-ҳуқуқий ва тарбиявий чоралар кўрилмаганлиги, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларга нисбатан алоҳида тушунтириш ва тарбиявий ишларни олиб бориш борасида тегишли чора-тадбирлар етарли даражада ташкиллаштирилмаганлиги, жиноятчиликка қарши кураш суст олиб борилганлиги аниқланди.

Шу сабабли, суд келгусида юқорида кўрсатилган ҳолатларни рўй бермаслиги, МФЙ фуқаролари томонидан жиноят содир этилишини олдини олиш, уларнинг қонунларга ҳурмат билан қараб, ўз ишларини ташкиллаштиришликлари ҳамда бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида, ушбу хусусий ажримни Сирдарё тумани, “Исломобод” маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан ўтказиладиган йиғилишда муҳокама қилиб, ўз мажбуриятларига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлган ходимларга тегишли чора кўриш ва тушунтириш ишлари олиб бориш устидан назоратни кучайтириш борасида тегишли чора-тадбирлар белгилаш учун юборишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 296, 298, 299, 476-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Мазкур хусусий ажрим Сирдарё тумани, “Исломобод” маҳалласида маҳалла фаоллари ва бевосита шу ҳудудга бириктирилган профилактика инспектори иштирокида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгилансин.

Мазкур ажрим бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан бир ойлик муддат ичида жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани судига хабар берилсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн кун муддат ичида апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

**Раислик қилувчи судья
“ажрим нусхаси аслига тўғри”**

(имзо)

С.Сарибаев